



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 апрель куни “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг иккинчи учрашуви доирасида мамлакатимизга келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Қатар Давлати Бош вазири, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегация, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархон Ол Сауд, Ўмон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Ҳамад ал-Бусайдий бошчилигидаги делегация, Кувайт Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё бошчилигидаги делегация, Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Абдуллатиф бин Рашид ал-Заяний бошчилигидаги делегация, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жасим бин Муҳаммад ал-Будайвийни қабул қилди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов суҳбат аввалида давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берdimухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшнчилик ва чуқурлашган стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ўсаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. “Шовот – Тошовуз” савдо зонаси ташкил этилмоқда. Саноат кооперацияси, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик давом этмоқда.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда. Жорий йилда Ўзбекистонда шоир Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилади.

Булажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида кўп қиррали шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қатар Бош вазири Муҳаммад Ол Соний Ўзбекистон етакчисига Қатар Амири Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Икки томонлама ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларида янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳожама қилинди.

Давлатимиз раҳбари сиёсий мулоқот жадал тус олгани, ўзаро савдо ва инвестициялар ҳамжи фаол ошаётганини мамнуният билан қайд этди.

Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда. Октябрь ойида Ўзбекистонда Қатар маданияти ҳафталиги бўлиб ўтади.

Қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини тезроқ яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Трансафгон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақавий кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, Яқин Шарқдаги вазиятнинг жиддий кескинлашаётгани юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархон Ол Сауд Ўзбекистон етакчисига Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг самийий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ва кенг қўламли шериклиқни олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

### ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

## ВАЗИРЛИК МАСЪУЛЛАРИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Янгиҳаёт туманининг Янги Чоштепа маҳалласида алоҳида рўйхатда турувчи ёшлар ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Ушбу маҳаллада 31 нафар мана шундай назоратдаги ёшлар истиқомат қилади. Вазирлик эса айнан мазкур ёшлар билан профилактик ишларни ташкил этиб, уларни қийнаётган масалалар бўйича амалий суҳбатлар ташкил этиб келмоқда.

Хусусан, ушбу учрашув ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Людмила Старастина 30 ёшда, 5 нафар фарзанди бор, энг кичик фарзанди 11 ойлик. Уч хонали уйда сингиси, ижтимоий ҳимояга муҳтож укаси ва 5 нафар фарзанди билан яшайди. Сингиси бемор, соғлигини тиклаши учун моддий ёрдам керак. Укаси ИТ соҳасига қизиқади, уни ҳам ўқитиб, ўз қизиқишлари бўйича йўналтириш лозим. Людмила Старастина ҳам ўқиб, ишли бўлиш ниятида эканлигини маълум қилди. Вазирлик мутасаддилари – Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи Абдуғулом Мирзаев, Ахборот хизмати раҳбари Саидносор Усмонов, вазирнинг Ёшлар сиёсати бўйича маслаҳатчиси Алижон Алимуҳамедовлар уларга ўқиб, керакли касб эгаси бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишини айтишди.

Яна бир фуқаро Абдурахмон Ширимбетов онаси билан бирга ўз мурожаатини билдирди.

Абдурахмон 19 ёшда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, oilали, ИТ соҳасига қизиқади, аммо уни бугунги кунда иш масаласи ўйлантирмоқда. Бундан ташқари, икки хонали уйда 6 нафар киши истиқомат қилиши аниқланди. Вазирлик масъули А. Мирзаев томонидан А. Ширимбетовни ишга жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, онасининг қизиқишлари ҳам инobatга олинди, ўқиши учун шарт-шароит яратилиб, иккала мурожаатчи ҳам келгусида иш билан таъминланиши таъкидланди.

Учрашувда шунингдек, Равшан Габдурахманов онаси билан бирга мутасаддиларга мурожаат қилди. У 24 ёшда, онаси билан мазкур маҳаллада истиқомат қилади ва беморлиги сабабли айна кунларда операция учун моддий ёрдам зарурлигини айтиди. Шундан сўнг, яна бир мурожаат эгаси Ирода Жалолова билан ҳам суҳбатлашилди. Жараёнда 24 ёшли Ироданинг бир ёшли фарзанди бор ёлғиз она эканлиги, 3 хонали уйда oilаси билан жами 7 киши

яшаб келишаётгани ва моддий ёрдамга муҳтож эканлиги маълум бўлди. У кутубхона ишига қизиқиш билдиргани боис, масъуллар унга айна шу йўналишда ишни топиб бериш таклифини беришди.

Бундан ташқари, 22 ёшли Лазизбек Раббонаев эса талаба экан. У етказиб бериш хизматида ишлагани боис маоши яхшироқ бўлган соҳада фаолият юритиш истаги борлигини билдирди. 28 ёшли Алишер Турсунов ҳамда 17 ёшли Мадаминжон Раҳимовлар ҳам oilавий шароити ogирилиги боис иш сўраб мурожаат қилишди, мутасаддилар уларни аввал касб-хунарга ўқитиб, кейин ишга жойлаштиришга келишиб олишди. Навбатдаги фуқаро Фарангиз Абдурахмонова 22 ёшда, турмуш ўртоғидан ажрашгани ва икки ёшли қизчаси борлигини айтиди. Маълум бўлишча, у онаси, фарзанди ва 5 нафар укаси билан бирга яшайди. Мактабда ўқиган ва бошқа таълим босқичларида тахсил олмаган. Ф. Абдурахмонова уй шароитида бирор хунar ўрганиш нияти борлигини айтиди. Шунингдек, 27 ёшли Гулҳаё Раҳимова 4 нафар фарзандидан 2 нафари бемор эканлигини, уларга жаррохлик амалиёти ўтказиш зарурлиги боис моддий кўмакка муҳтожлигини билдирди.

Бир сўз билан айтганда, учрашувда иштирок этган, муаммосини ўртага ташлаган ҳеч бир ёшнинг мурожаати эътибордан четда қолмади. Масъуллар уларнинг иши бўйича яна алоҳида ўрганиш олиб бориб, амалий натижалар бўйича режаларни белгилаб олишди.

## Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда СИФАТ ВА НАЗОРАТ МАСАЛАСИ

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” муҳбири.

АОКАда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиков бошчилигидаги вазирлик масъуллари, “Ўзсаноатқурилишматериллари” уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги раҳбарияти иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.



Унда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қўллашда сифат ва назорат масалалари ҳақида маълумот берилди.

– Бугунги кунда институтимиз томонидан техник меъёрлаш ва стандартлаштириш соҳаларини тубдан

такомиллаштириш, мазкур соҳаларда илмий-тадқиқот ишларини қучайтириш, халқаро институтларнинг мазкур соҳалардаги тажрибаларини ўзлаштириш ишларини изчил ташкиллаштириш юзасидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда, – деди

Шерзод Содиков. – Хусусан, 2023 йилнинг иш режасига мувофиқ 34 та давлат стандартлари халқаро ва илгор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, бугунги кунда қурилиш материаллари ва қурилиш соҳасига доир 3 372 та стандартлар рўйхати таҳлил қилиниб, маънан эскирган ҳамда халқаро аналогга эга бўлган 600 га яқин стандартлар аниқланиб, мазкур стандартлари босқичма-босқич амалиётга жорий этиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмоқда.

Қўшимча равишда, жорий йилнинг иш режасига мувофиқ 40 та миллий стандартлар халқаро ва илгор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, бугунги кунда актуал қурилиш материали ҳисобланган базальт хомашёсидан ишлаб чиқариладиган махсус тола, қуворлар, арматура, фибра, ровинг, композит геосетка, мато ва иссиқлик-изоляция плиталарига доир стандарт-

ларни ишлаб чиқиш бўйича “Basalt Uzbekistan” кластери билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Шунингдек, матбуот анжуманида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ миллий стандартлар Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан ишлаб чиқирилиши белгиланган. Шунга кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги Стандартлаштириш бўйича техник қўмита фаолияти қайта ташкил этилди. Мазкур техник қўмита фаолияти соҳаси стандартларнинг умумдават таснифлагичига мувофиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги 47 та кодни ўз ичига олган. Унинг таркибига манфаатдор вазирлик, идоралар ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 49 нафар юқори малакали мутахассислари жалб қилинди.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Абдуллатиф бин Рашид ал-Заяний давлатимиз раҳбарига Подшоҳ Ҳамад бин Исо Ал-Халифанинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий мулоқотни фаоллаштириш ҳамда сиёсий маслаҳатлашувлар механизмини тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, банк-молия, автомобиль ва темир йўллари қурилиши, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва бошқа устувор йўналишлардаги дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун катта салоҳият ва кенг имкониётлар мавжудлиги таъкидланди.

Шу мақсадда жорий йилда қўшма Ҳукуматлараро қўмитанинг илк йиғилишини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ва Баҳрайн етакчи компаниялари вакиллари иштирокида Ишбилармонлар кенгашини таъсис этиш режалаштирилган.

Халқаро кун тартиби, шу жумладан, хавфсизликка замонавий таҳдидларга қарши курашиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси Баҳрайн ташқи ишлар вазинини қутлуг ёши билан муборакбод этиб, унга мустақкам соғлиқ ва катта муваффақиятлар тилади.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сўхайл ал-Мазруий учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Мўхаммад Ол Наҳаён, вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Мўхаммад Ол Мактум, вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва Абу-Даби амирлиги Валиаҳди Шайх Ҳолид Ол Наҳаённинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Устувор йўналишлардаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Амириклар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бугунги юксак даражаси катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Ўзбекистонда Амириклар сармоysi иштирокида 300 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошган.

“Яшил” энергетика, металлургия, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва коммуникация каби тармоқларда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Трансафғон темир йўлининг техник лойиҳасини тайёрлаш ва қурилишини бошлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ҳамда ҳамкорлиқнинг 10 та янги йўналиши бўйича истиқболли лойиҳалар портфелини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага чиққани, амалий мазмун билан бойигани мамнуният ила қайд этилди.

Ўтган йилда товар айирбошлаш 27 фоизга ошди. Автомобил-созлик, электротехника, энергетика, тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қўшма инвестиция фонди ўз фаолиятини бошлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жасин бин Мўхаммад ал-Будайвий билан учрашувда Ўзбекистон ва Кенгаш ўртасидаги конструктив мулоқотни янада ривожлантириш, ҳамкорликни мустақкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари минтакалар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бугунги суръатидан мамнунлигини билдирди ҳамда Тошкент шаҳрида ўтган ташқи ишлар вазирлари иккинчи учрашувининг самарали яқунларини юқори баҳолади.

Ўтган йили Жидда шаҳрида ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари биринчи саммитида эришилган келишувлар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон томонидан инвестиция, савдо, юқори технологиялар, туризм ва бошқа йўналишларда илгари сурилган ташаббус ва тақлифлари амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтадиган иккинчи саммит кун тартибини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Ў.А.

## Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда СИФАТ ВА НАЗОРАТ МАСАЛАСИ

Бундан ташқари, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтининг комплек синов лабораторияси O'z Dst ISO/IEC 17025:2019 стандарти талаблари асосида 21 турдаги қурилиш материаллари ва буюмлари турларининг 200 дан зиёд кўрсаткичларни ўз ичига олган аккредитация доираси билан халқаро даражадаги синов лабораторияси сифатида аккредитациядан ўтказилди, бу эса синов натижаларини халқаро даражада тан олинишига замин яратди. Бугунги кунда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги актуал масалалардан бири бўлгани сабабли институт қошидаги комплекс синов лабораторияси ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирилиги, Турин политехника университети ва Механика институтлари ўртасида бино ва иншоотларни зилзилабардошликка синаяш юзасидан ҳамкорлик дастурлари ҳам амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ҳам маълумот берилди. Хусусан, 2024 йилнинг январь-февраль ойларида қурилиш материаллари соҳасида жами 3,4 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш 108,2 фоизни ташкил этган. Ўтган ҳисобот даврида 2,1 млн тонна цемент, 3,8 млн кв м қурилиш ойнаси, 8,2 млн квадрат метр гипсокартон, 4,1 млн квадрат метр керамик плитка, 452 минг ўрам гулқоғоз каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиди. 2024 йил I чорагида 152,9 млн АҚШ долларлик экспорт амалга оширилган. Хусусан, 17,5 млн АҚШ доллари ПВХ профилилар ва трубалар, 8,2 млн доллар алюмин профилилар, 12,2 млн АҚШ доллари керамик плитка ва керамика маҳсулотлари, 9,6 млн АҚШ доллари қуруқ қурилиш аралашмалари ва цементдан боғловчи материаллар, 16,3 млн АҚШ доллари обой каби қурилиш материаллари экспорт қилинди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2024 йилда қурилиш материаллари соҳасида жами 37,9 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 111,0 фоизни ташкил этилиши кутилмоқда. Шунингдек, жорий



йилда қиймати 2,2 млрд АҚШ долларлик жами 540 та лойиҳа амалга оширилиб, 1,1 млрд АҚШ долларлик қурилиш материаллари экспорт қилинади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 2 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда тармок корхоналарида халқаро стандартларни ва техник регламентларни жорий қилиш ҳамда ишчи-ҳодимларнинг малакасини ошириш бўйича корхоналарда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий қилиш юзасидан Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4059-сон қарорига асосан, “Темир-бетон, бетон конструкциялар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар”,

2024 йилнинг январь-февраль ойларида қурилиш материаллари соҳасида жами **3,4 трлн сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш **108,2** фоизни ташкил этган. Ўтган ҳисобот даврида **2,1 млн** тонна цемент, **3,8 млн** кв м қурилиш ойнаси, **8,2 млн** квадрат метр гипсокартон, **4,1 млн** квадрат метр керамик плитка, **452 минг** ўрам гулқоғоз каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиди. 2024 йил I чорагида **152,9 млн** АҚШ долларлик экспорт амалга оширилган. Хусусан, **17,5 млн** АҚШ доллари ПВХ профилилар ва трубалар, **8,2 млн** доллар алюмин профилилар, **12,2 млн** АҚШ доллари керамик плитка ва керамика маҳсулотлари, **9,6 млн** АҚШ доллари қуруқ қурилиш аралашмалари ва цементдан боғловчи материаллар, **16,3 млн** АҚШ доллари обой каби қурилиш материаллари экспорт қилинди.

“Санитар-техник маҳсулотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари”, “Тош, гипс ва керамикадан тайёрланган маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида”, “Қурилиш комплекслари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисида” умумий техник регламентлар ҳамда “Асбестнинг хавфсизлиги

тўғрисида”, “Қовушқоқ материалларнинг хавфсизлиги тўғрисида”, “Лак-бўёқ материалларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-91-сонли қарорининг 14-банд ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан 14 турдаги қурилиш материаллари бўйича жами 329 та Халқаро (ISO) ва Европа (EN) стандартлари рўйхати шакллантирилиб амалиётга жорий қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

## ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ – энергетика тизимида янги босқич

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги йилларда электр таъминоти билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида кўплаб тадбирлар олиб борилиб, унинг захирасини яратиш чоралари қўриляпти. Жумладан, энергия ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, энергиятежамкор ускуналар ўрнатилмоқда. Шулар билан бирга, ривожланган давлатларда аллақачон амалиётга киритилган ва ўзини оқлаган тажрибаларни соҳага қўллаш лозимлигини ҳам даврнинг ўзи тақозо этаётир.

Президентимиз ўз чиқишларида иқтисодийетимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция кетраклиги ва бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкинлигини таъкидлагани бежизга эмасди. Давлат раҳбарининг топириги билан кейинги уч йил оралигида шу йўналиш бўйича катта ишлар қилинди.

Халқимиз турмуш тарзини яхшилашга қаратилган дастурлар амалиётга киритилгач, хусусан, муқобил энергия манбаларини ошириш бўйича бир неча лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Биргина Тошкент вилоятидаги Чорвоқ сув омбори ҳудудида қурилган мачта йилига қўшимча 2,3 миллион киловатт-соат ҳажмда электр манбаи ишлаб чиқариш имконини берди ва бу йилига 700 минг куб метр табиий газни тежамоқда. Айнан шу туфайли вилоятдаги иқтисодиёт тармоклари фаолияти узлуксизлиги таъминланиб, хонадонларга бериладиган электр қуввати бир неча фоизга кўпайгани замонавий лойиҳа тараққиётимиз учун қанчалик муҳим эканини кўрсатмоқда.

Республикаимизнинг бошқа ҳудудларидаги сингари қуввати 300-500 МВт бўлган шамол электр станцияларини Бухоро вилоятининг Пешку ҳамда Ғиждувон туманларида ҳам қуришга доир ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга Саудия Арабистонининг “ACWA POWER” компанияси сармоysi асосида йирик мегалойиҳа амалга оширила бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ҳозирда мажмур лойиҳанинг 50 фоиздан ортиқ ишлари ниҳоясига етказилди. Шу кунларда умумий қиймати 650 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шамол электр станциясидаги ишларни ниҳоясига етказиш юзасидан зарур чоралар қўрилмоқда. Ушбу мажмуалар учун ажратилган Пешку туманидаги 154, Ғиждувон туманидаги 172 гектар ер майдонида мачталарни ўрнатиш, ҳар бир туман ҳудудида 2 та подстанция қуриш, булардан ташқари, лойиҳа давомида узунлиги 291 километр масофага 500 кВт қучланишга эга ҳаво электр узатиш линиясини тортиш бўйича ҳам лойиҳалар амалга оширилиши назарда тутилган. “Баш” ва “Жонгелди” массивларида эса 80 га яқин минора ўрнатилиши натижасида ушбу ҳудудлар йирик қурилиш майдонига айланди.

Маълумот учун, ушбу лойиҳалар доирасида қуввати 474,5 МВтга тенг



бўлган 73 та турбина ўрнатилган бўлиб, уларнинг баландлиги 100 метр, шамол парраклари 84 метрдан иборат. Ушбу йирик лойиҳалар доирасида 2 та объектада 158 та мана шундай шамол турбинаси ўрнатилади. Станцияларнинг дастлабки 400 МВт қуввати жорий йил якунига қадар ишга туширилади. Улар туфайли йилига 3 миллиард 600 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва бунинг натижасида йилига 1 миллиард 100 миллион кубометр табиий газ тежалишига эришилади ҳамда атмосферага 1 миллион 500 минг тонна зарарли газлар чиқишига барҳам берилади.

Қисқаси, сўнгги йилларда вилоятда куёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш бўйича умумий қуввати 2850 мегаватт бўлган йирик лойиҳалар доирасида ишлар ташкил қилиняпти. Масалан, давлат раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили Хитой Халқ Республикасининг “Chauna Gejuba group” компанияси ҳамкорлигида Қоровулбозор туманида қиймати 400 миллион АҚШ долларлик, қуввати 500 МВтли, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3 миллиард кВт соат қувватли куёш фотоэлектр станциясининг 200 МВт қуввати ҳамда “Akso Enerji Bukhara” корхонасининг йилига 2 миллиард 200 миллион киловатт соатгача электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 270 МВтли иссиқлик электр станциялари тармоққа уланди. Бундай ҳаракатлар яқин орада халқимизнинг яшил энергияга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаши ва бу борада ҳеч қандай муаммоларга ўрин қолмаслигидан далолатдир.

## Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради!



Сарвар БОБОНАЗАРОВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати раҳбари.

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, ечимини кутаётган долзарб муаммоларни жойида аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Азларжон Садиков ҳамда бошқа масъуллар Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Каттақўрғон туманларида сайёр қабуллар ўтказишди.

Қабулда таъмирталаб кўп квартиралли уй-жойлар, улар олдида болалар майдончалари барпо этилиши каби анчадан буюн ечимини топилмаётган масалалар бўйича аҳолининг мурожаатлари ўрганилди. Хусусан,



Жомбой тумани “Гулистон” МФЙда яшовчи фуқаро Зиёда Мустафоевнинг ўзи истиқомат қиладиган кўп қаватли уйнинг том қисмини ва болалар майдончасини таъмирлаб бериш юзасидан билдирган муро-



жаати тингланиб, масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри, Қорасув массивидан келган Сардор Умаров уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидан норозилигини айтиб, унинг фаолиятини қонуний ўрганиб беришларини билдирган. Фуқарога ҳолат юзасидан тегишли тартибда назорат текширувлари тайинланиб, ўрганиш ишлари олиб борилиши, агар қонунбузилиш ҳолати аниқланган тақдирда ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли ҳужжатлар Прокуратура органларига тақдим этилиши маълум қилинди.

Сайёр қабуллар давомида вилоятда қурилиш ва коммунал масалалар билан боғлиқ 20 дан ортиқ мурожаат қайд этилиб, ҳар бир масала шахсан Инспекция бошлиғи ўринбосари назоратига олинди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

## Самарқанд яшилликка бурканмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кўклам кириб келиши билан юртимизда ён-атрофни ободонлаштириш ва кўчат экиш анъанага айланган. Бинобарин, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жойларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, шу кунларда Самарқанд вилоятида ҳам янги боғ-роғлар ташкил қилиш, ўрмонзорларни кенгайтириш, гулзорлар яратишга қизғин киришилган.



– Шахримиз ўз номига муносиб бўлиши учун барча чораларни кўрямиз, – деди Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Шухрат Жумоев. – Тарихий ёдгорликлар атрофи, сайёҳлар ташриф буюрадиган қадамжоларни обод сақлаш, уларни кўкаламзорлаштириш доимий диққат-марказимизда. Бунинг учун иссиқхона ташкил этиб, анвойи гуллар етиштиришни йўлга қўйдик. Иссиқхонада республикамиз вилоятлари, ҳатто хорижий давлатлардан ноёб гул кўчатлари олиб келиб экилмоқда. Жорий йилда барча ташкилотлар ҳамкорлигида 10 миллион тупдан зиёд кўчат ўтказиш режалаштирилган бўлиб, шу кунларда экиш ва парвариш ишлари қизгин бормоқда.

Айтиш жоизки, вилоят бўйича “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 7 та тумандаги 28,4 гектар майдонда “Яшил боғ” ташкил этишга киришилган. 16 та туман ва шаҳарда эса 34 та “Ҳокимлик боғи”га асос солинмоқда. Бунинг учун 11 гектар ер майдони ажратилди. Паст Дарғом, Нарпай туманлари бу борада пешқадамлик қилмоқда. Шунингдек, Самарқанд туманида 6 гектар, Тайлоқ Каттақўрғонда 0,5 гектар ва Самарқанд шаҳрида 1 гектар ер танланиб, “Яшил белбоғ” яратиш ишлари бошлаб юборилди.

Шу билан бирга, “Яшил жамоат парклари” ташкил этиш ҳам долзарб вазифага айланган. Шу мақсадда 64 гектарда шундай номдаги боғга асос солинди. Бу ташаббусни Экология, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлиги Самарқандда ўтказилган “COP-14” халқаро конференциясида Самарқанд туманининг Янги жой маҳал-

ласига қарашли 4,5 гектар ҳудудда бошлаганлигини эътироф этиш керак, албатта. Муҳими, парк атмосфера ҳавосини яхшилашга ҳисса қўшиши аниқ. Бу масканларда энг ноёб дарахт ва буталар экилиши билан бирга автотураргоҳ, савдо дўконлари, спорт майдончалари ҳам қурилади. Мақсад – уларни аҳоли дам оладиган қулай гўшага айлантиришдан иборатдир.

– Кўкаламзорлаштириш баҳонасида Самарқандда яна бир хайрли ташаббусга қўл урилди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори Сайфиддин Нарзиқулов. – Бу жараёнда шаҳардаги сув йўллари, ариқлар тартибга келтирилипти. Вилоят ҳокимининг топшириғи билан Сийёб ва Сийёбча ариқлари атрофлари ободонлаштирилиб, қирғоғида пиёдалар йўлакчаси ташкил этилди ва дов-дарахтлар экилди. Яна бир томони Самарқанддан Жиззахгача бўлган темир йўлнинг 41 километр масофасида 25 гектар “Яшил майдон”лар яратиш бошланганлигини таъкидлаш лозим. Бунинг учун 55 километрга ирригация тармоғини тортиш, 25 та скважина қазиш каби юмушлар режалаштирилган.

Ҳа, Самарқандда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан рўйбга чиқариш бўйича улкан ишлар олиб борилаётганлиги қувончлидир. Бунда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси жамоаси ҳам фаоллик кўрсатаётгани эътиборга лойиқдир. Масалан, “Мафтункор кимёгар” БСК ишчи-ходимлари ҳудуддаги кўп қаватли уйлар атрофида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари эккан бўлса, Жомбойдаги “Жомбой ишончли коммунал сервис” жамоаси 5 та кўп қаватли уй-жой атрофида гўзаллик бағишлади. “Нурли йўл 777” БСК эса Рудакий кўчасини ободонлаштириш ва яшил маконга айлантиришга ўз улушини қўшмоқда.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## Ўзаро ҳамкорлик қурилишда ҳам яхши самара беради

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кейинги йилларда қурилиш соҳасидаги улкан ўзгаришларни кўриб кўз қувнайди. Шу жумладан, келажакда Хоразм вилоятининг ташриф қоғозига айланиши кўзда тутилган Урганч шаҳрида бунёд этилаётган “Ал-Хоразмий” мажмуаси қурилишида ишлар қизғин давом этмоқда.

## Зиёратгоҳ обод бўлди

Шовот туманининг Бешмерган қишлоғи ҳудудида жойлашган Юсуф Хамадоний зиёратгоҳида бундан ўн ой олдин таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошланган эди. Муборак Рамазон ҳайити кунлари мажмуанинг бир қисми тайёр ҳолга келтирилиб, фойдаланишга топширилди.

Олти гектар майдонда жойлашган мазкур мажмуа таъмирлаш ишлари амалга оширилгандан кейин ўзгача чирой касб этди. Зиёратгоҳга кираверишда иккита қудуқ ва ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо шаҳобчаси жойлашган. Масжид ва мақбараларга бориш йўлидаги фавворалар, яшил боғлар, турфа хил рангдаги гуллар, чиройли қилиб шакл берилган гулжум дарахтлари зиёратгоҳга келган кишида ўзгача таассурот қолдиради. Хоразм

услугига хос бўлган устунли айвончалар мажмуага зеё бўлган. Шунингдек, бу ерда олдинги 200 ўринли масжид биноси қайта реконструкция қилиниб, бир пайтнинг ўзида минг нафар намозхонни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Қурилиш ишларида хивалик усталарнинг жонбозлик кўрсатишганини айтиб ўтиш ўринлидир. Улар яратган сержило нақшлар зиёратчиларни ўзига ром этмай қўймайди. Айвончаларда Юсуф Хамодо-

лик инвесторлар фаолият олиб боришмоқда. Биргина мисол қилиб, қардош ва жондош қозғистонлик қурувчиларни келтириш мумкин. Қозғистонлик мутахассислар томонидан ҳозирги кунга қадар 100 га яқин хонадонлар учун сифатли ва замонавий турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мевморчилик услуги ва дунёқараш муштарак бўлган ўзбек ва қозқ миллиати вакиллари бугун биргаликда мазкур мажмуани бунёд этишмоқда.

– Қозғистоннинг Олмата шаҳридан келдим, – деди Кенгес Наймонов. – Ўзбекистондаги қурилишларга ўз ҳиссамизни қўйиш ниятидамиз. Ушбу

ний ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотлар ҳам қайд этилгани зиёратчиларни хурсанд қилиши аниқ.

Зиёратгоҳнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари мажмуа ва ундаги имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

– Халқ тилида “Улли пир” деб ном олган, етти пирнинг устози бўлган Юсуф Хамадоний зиёратгоҳи мажмуасининг бугунги қиёфасини кўриб тўғриси ҳайратим ошди, – деди зиёратчи, меҳнат фажрийси Раҳимберган Матрасулов. – Юртимизда зиёрат туризмига алоҳида эътибор берилаётгани натижасида муборак масканлар обод бўлиб, зиёратчиларга яхши шарт-шароит яратилаётганлигидан мамнунмиз.

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИГА МЕДИАТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қонлиқўл туманида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида бир қатор оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар ва нуронийлар иштирокида медиатур ташкил этилди.



Медиатур давомида иштирокчилар туманда кенг кўламда олиб борилаётган қурилиш объектилари, хусусан, “Янги Ўзбекистон” массивидаги қурилиш ишлари, турар жойлар, ижтимоий объектиларни

кўздан кечиришди. “Наврўз” МФЙдаги “Янги Ўзбекистон” массиви учун 14,3 гектар ер майдони ажратилиб, 30 квартиралар 10 та кўп қаватли уйлар ва қатор ижтимоий объектилар қурилмоқда.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## Мудофаа ишлари бўлими замонавий бинода

Орифжон ИСМОИЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Фарғона шаҳар Мудофаа ишлари бўлимининг давлат-хусусий шериклик тамойили асосида барпо этилган янги биноси тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Мудофаа вазирининг ўринбосари Ҳамдам Қаршиев, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони Ойбек Саидов, ҳарбийлар, фахрийлар ҳамда вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

## Хитой компаниясининг янги лойиҳаси

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг “Sichuan Shengyakai Fastening Equipment” компанияси раҳбари Гү Шанхонни ҳамда компаниянинг вилоятимиздаги маҳаллий ҳамкорларини қабул қилди.

Учрашувда Хитой компанияси томонидан тўғридан тўғри 10 млн доллар инвестиция йўналтириш ҳисобига Фарғонада амалга ошириш режалаштирилаётган қурилиш монтаж пистолетлари ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

мажмуада беш қаватли бино қуришни режалаштирганмиз. Ҳозирда бу биноларнинг лойиҳаси ва жойлашиш ўрнини тайёрлаямиз. Бу биноларнинг тўрттаси 30 хонадонли ва биттаси 15 хонадонли бўлади. Ушбу биноларни тўлалигича шу йилнинг июнь-июль ойларида фойдаланишга топширамыз.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бу ерда шунингдек, “Ал-Хоразмий” хиёбони ва ҳайкали, 98 та автотураргоҳ, 39 та болалар мажмуаси, 17 та спорт майдончаси, 84 та айвон, 3 та қандолат ва нон ишлаб чиқариш цехи, 4 000 минг хонадонга мўлжалланган 131 та кўп қаватли бино қурилиши режалаштирилган.



Тарихий маълумотларга қараганда, Юсуф Хамадоний – улли пир, яъни пирларнинг каттаси макомини олган зоти шарифдир. У Ҳўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг устози эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Мазкур мажмуанинг муборак Рамазон ойда ишга туширилиши вилоятда зиёрат туризмининг ривожлантиришга қаратилган савий-ҳаракатларнинг амалдаги ифодаси бўлди, дейиш мумкин.

# Ҳудудлар | 3



Шунингдек, иштирокчилар массивдаги 12,8 млрд сўмлик 330 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби, 7,7 млрд сўмлик 180 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти қурилиш жараёнини ҳам ўрганишди. Замонавий кўринишдаги ва кенг имкониятларга эга бўлган янги уй эгалари билан суҳбатлашиб, бу ердаги шароитлар билан танишдилар. Туманда сўнгги пайтларда қуриб битказилган ва

бугунги кунда минглаб ходимларни иш билан таъминлаётган йирик қўшма корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланаётган объектилар фаолияти ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида матбуот анжумани ташкил этилиб, унда туман ҳокими ҳудуддаги қурилиш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

## Нуротада иккита корхона фаолият бошлади

Шухрат НОРМУРДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Маълумки, олис ва чекка туманларда саноат корхоналари ташкил этилиши, аввало, ўша ҳудуднинг иқтисодини барқарор ривожлантириши баробарида, маҳаллий аҳолини ҳам муқим иш ўринлари билан таъминлайди. Бу борада туманлардаги кичик саноат зоналари ва у ердаги яратилган шарт-шароитлар лойиҳалар ташкил этилиши учун замин бўлмоқда.

Нурота туманидаги кичик саноат зонаси ҳудудида “PREMIER TEXTILE” хусусий корхонаси томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 7,0 млрд сўм бўлиб, шундан 2,0 млрд сўм тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобидан ва 5,0 млрд сўми эса банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа, йилга 560 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, унинг ишга тушиши натижасида йилга 2,0 млн АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, бугунги кунда Нурота тумани “Кичик саноат зонаси”да амалга оширилаётган яна бир лойиҳа хитойлик инвесторлар томонидан ташкил этилган “Si fang kuang ye” МЧЖ ХКнинг умумий



қиймати 10,0 млн АҚШ доллари бўлган гранит тошларини қайта ишлаш корхонасидир. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи 2023 йилнинг декабрь ойда ишга туширилиб, лойиҳа доирасида 40 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Ҳозирда корхона томонидан Қозғистон республикасига гранит маҳсулотларини экспорт қилиш йўлга қўйилган. Яқин кунларда лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга тушиши, шу аснода экспорт кўрсаткичи ва янги иш ўринлари кўлами янада ошиши кутилмоқда.

## Мўъжазгина зиё маскани

Юртимизда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни мутолаага ундаш каби вазифалар олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шу мақсадда Навоий вилоятида Адлия вазирлиги ташаббуси билан олиб борилаётган “Зиё улаш” акцияси доирасида ҳудудларда ёшлар учун кутубхоналар ташкил этилмоқда. Вилоятдаги 10 та маҳаллада зиё масканларининг очилиш маросимлари ўтказилди.

Навоий вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ҳам “Зиё улаш” акциясида фаол иштирок этиб, 300 дан ортиқ китобни Навоий шаҳридаги Ўзбекистон маҳалласида ташкил этилган кутубхонага ҳада этди. Мазкур кутубхонанинг очилиш маросимида мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси йўлида олиб борилаётган ислохотлар, маҳаллаларга яратилаётган имкониятлар, ёшларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш боғлиқлигида олиб борилаётган ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги алоҳида таъкидланди.

– Мўъжазгина бу зиё маскани маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари, жумладан, ёшларнинг буш вақтини маъмули ўтказишга, уларнинг маънавий савиясини оширишга хизмат қилади,

– деди “Ўзархив” агентлиги Навоий вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ёшлар етакчиси Илҳом Тошпўлатов. – Акция доирасида йигилган китоблар фонди жаҳон адабиёти, ўзбек адабиётининг энг сара намуналари, сиёсий, ҳуқуқий адабиётлар билан бойитилди.

Бугунги кунда маҳаллада 5 минг 506 нафар аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 1 минг 474 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат ва ушбу сеvimли маскан энди улар ихтиёрида. Эндilikда кутубхона ходимлари томонидан аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, ёшларда китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича шу ернинг ўзида адабиёт намоёндалари, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар, маънавий тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Маълум бўлишича, ҳомийлар кўмагида яқин келажакда мазкур кутубхонанинг моддий-техника базаси ва фонди янада юксалади.

# ИНСТИТУТНИНГ ЗАМОНАВИЙ БИНОСИ ТАЛАБАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШДИ

Дилфуза ТИЛЛАЕВА,  
Наманган давлат педагогика институти ахборот хизмати раҳбари.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яратувчанлик, бунёдкорлик шижоати Наманган аҳлининг ҳам қон-қонига сингиб кетган. Ерга бир ниҳол қадаб, боғ яратсам, бир ғишт қўйиб, иморат бунёд этсам, дейди. Айниқса, жорий йилнинг 25-26 март кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманганга ташрифидан сўнг жуда катта лойиҳаларга старт берилди. Булар шунчаки лойиҳалар эмас, халқ манфаатларига хизмат қилувчи, инсонларга қўлай шароит яратувчи, ҳаётини яхшиловчи буюк қадамдир.



Наманган давлат педагогика институти учун ҳам бу йил омадли келди, десак муболаға бўлмайди. Чунки айнан Президент ташрифидан сўнг институтнинг барча шароитга эга, замонавий типда кад ростлаган маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросими ҳам катта тантана билан ўтказилди.

– Институтимиз маъмурий биносининг фойдаланишга топширилиши жамоа ва талабалар учун катта совға бўлди, – деди институт ректори Баҳодир Хусанов. – Бугунги кун ёшлари яхши, замонавий қўлайликларга эга масканда таълим олишга лойиқ. Бу шунчаки бино эмас, ижод макони ҳамдир. Янги бинодаги робототехника ва радио хоналари, “Арт галерея” музейи, Ренессанс, Конгресс заллари бугунги замон талабидан келиб чиқиб, ўтмиш ва бугунги кун ҳаётига уйғун ҳолда жиҳозланган. Мисол учун, ҳар тонг институт ҳовлиси узра олиғиҳ радиоси жаранглайди. Юртимизда, дунёда ҳамда институтда рўй бераётган сўнги янгилликлардан хабардор

қилади. Шу билан бирга, миллийлигимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, мақом навалари талабаларда ватанпарварлик, юртга муҳаббат туйғуларини шакллантиради. Талабалар ҳам бу ўзгаришлардан мамнун. Президентимиз айтганидек, “Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун”.

– Янги таъмирдан чиққан бионинг ҳар бир хонасида ўзгача маъно муҳассам, – деди Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Алишер Исоқбоев. – Ҳатто юриш йўллари ҳам ўзига хос. Йўлакларда буюк бобокалонларимиз, жадид тараққийпарварларининг суратлари жойлаштирилган бўлиб, бу талабаларимизга ўз тарихини ва ўзигини англашда катта ёрдам беради. Айниқса, Ренессанс зали ва унда тарихда юз берган икки уйғониш даври ҳамда Учинчи ренессанснинг уйғунлаштириб ишланган тасвир барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур бионинг 1-, 2-қавати ва ертурула қисминининг таъмирлаш ишлари

“Бинокор бунёд сервис” МЧЖ жамоаси томонидан сифатли ва мукамал тарзда амалга оширилди.

– Яқинда Фарғона давлат университетининг Педагогика ва психология факультети биносини тантанали очилиш маросимида иштирок этган эдим, – деди Наманган давлат педагогика институти талабаси Салимагул Тўлқинова. – Унда Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўниротбой Шариповнинг ўзи қатнашди. Янги бинода талабалар учун яратилган шароит ва имкониятларни кўриб ҳавас қилгандим. Қанчалик бахтли талабалар, бизлар ҳам шундай биноларда таҳсил олсак, ижодий ишларимизни намоён этсак, деяр озу қилгандим. Кўп ўтмай бизнинг ҳам маъмурий биномизнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган ўқув хоналари биз кутгандан ҳам зиёда экан. Эндиликда шундай шароитлар орқали ўз билимимизни намоён этишга, устозлар ишончини оқлашга янада кўпроқ ҳаракат қиламиз.

## Acharya University Бухоро филиали учун янги иншоот

Учқун ТОЖИЕВ, журналист.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида рақамли технологияларга ихтисослаштирилган, замонавий технологияларга мос, таълимдан ишлаб чиқаришга бўлган афлот занжир яратишни кўзда тутувчи ИТ-кластер фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Мақамасининг 2023 йил 5 июлдаги 273-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга мувофиқ, биринчи босқичда – 2023 йил 31 декабрга қадар маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан маъмурий бино, ўқув лабораторияси ва 5 600 ўринга мўлжалланган ўқув биноларини қуриш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш белгиланган эди. Иккинчи босқичда эса 2024 йил 1 сентябрга қадар 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дас-турда Бухоро вилояти учун ажратилган маблагларнинг иккисид қилинадиган қисми ҳисобидан 1 300 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи, 15 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, 100 ўринга мўлжалланган инкубация маркази, 200 ўринга мўлжалланган масофавий ИТ-хизматлар экспорти маркази, ошхона, очик ва ёпиқ турдаги спорт иншоотларини қуриб, жиҳозлаш ва фойдаланишга топши-

риш, туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари назарда тутилган.

Замонавий ахборот технологиялари – ИТ кластер фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бино ва иншоотларни қуриш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш бўйича вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачи этиб белгиланган.

Президентимизнинг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонига асосан, вилоятимизда фаолият йўлга қўйилган мазкур ИТ кластер лойиҳаси Қорақўл тумани “Хўжалар” маҳалла фуқаролар йиғини, Бухоро кўчасида жойлашган эски бионинг 6,9 гектар ер майдонида жойлаштирилган. Эндиликда юқоридаги қарор асосида Хиндистоннинг “Acharya” университети учун мўлжалланган замонавий талаблар-

га мос иншоот қурилиши старт олмақда. Бунда университет ва туман мутасаддилари, қурувчи мутахассислар ҳозир бўлдилар.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, лойиҳа доирасида 5600 ўринли ўқув биноси, замонавий кутубхона, илмий-тадқиқот марказлари, ўқув лабораториялари ва стартап лойиҳаларни ривожлантириш инкубация маркази, шунингдек, 1 400 ўринли талабалар турар жойи, спорт мажмуалари ва хорижлик профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган меҳмонхоналар барпо қилиниши лойиҳалаштирилган.

Бухорода Хиндистоннинг “Acharya” университети филиали очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, мазкур хорижий таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган ёшлар сафи кенгаймоқда. Олий таълим даргоҳида халқаро таълим стандартлари асосида киберхавфсизлик, сунъий интеллект, дастурий таъминоти ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа долзарб йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Университетда йигит-қизлар сунъий интеллект, маълумотлар фани, киберхавфсизлик, бизнес таҳлил ва бошқа йўналишлар бўйича мукамал билим олиш имкониятига эгалар. Педагогларнинг 70 фоизи хориждан, аниқроғи, Хиндистоннинг ўзидан келиб таълим беради. Маҳаллий ўқитувчилар эса Хиндистонда малака оширишади.

## “Qashqadaryo texnologik transport” AJ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Qashqadaryo texnologik transport” aksiyadorlik jamiyati 2019-2020-2021-2022 йил якунлари бўйича акцияларга ҳисобланган дивиденд тўловларини тўлашни давом эттирмоқда.

Дивиденд тўловларини амалга ошириш мақсадида акциядорлар ўзларига тегишли пластик карточкасини ҳисоб рақамларини ёки тўловни ўтказаяётган ҳисоб рақамлари ҳақида тўлиқ маълумотлар беришлари керак. Шу билан бирга, Сиздан шахсингизни тасдиқловчи янги

паспорт нусхаси ҳамда ИНПС рақамини жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўлимига юборишингиз сўралади.

2019 йил якуни бўйича ҳисобланган дивиденд пулини олиш учун 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган умумий йиғилишга қадар муурожаат қилишингиз сўралади, акс ҳолда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни-нинг 51-моддасига асосан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд сифа-

тида акциядорлар умумий йиғилишига жамият ихтиёрида қолдириш масаласи қўйилиши тўғрисида огоҳлантирамиз.

**Кўшимча маълумотлар учун манзил:** Ўзбекистон Республикаси, 180100, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16.

**Муурожаат учун телефон:** 99-545-53-58.

**E-mail:** qashqadaryotextrans@mail.ru, qatt00@mail.ru

Бошқарув органи.

## ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил апрель ойининг 15-18 саналарида  
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Илҳом Тўраев**, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Зебунисо Юсупова**, хизмат хоналари фарроши **Маърифат Сайдалиева**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва коммунал хизматлар кўрсатилишини назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Абдуназар Пардаев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори **Шерзод Содиқов**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси қоровули **Бегзод Абидов**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти бош директорининг биринчи ўринбосари **Икром Муродов**,

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ техник **Соҳибқан Қурбонов**,

“Ташгирпорот” АЖ архитекторлар гуруҳи раҳбари **Алла Ельцова**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси 1-тоифали архитектори **Шаҳноза Тўхтаева**, “Навоий” филиали лойиҳа бош архитектори **Лазиз Кадилов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ходимлар бўйича инспектори **Дилфуза Қутлымуратова**,

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Руслан Икромов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Миржалол Мамаражабов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Юлдуз Баширова**, етакчи мутахассислар **Мирақил Хабибов**, **Равшан Талипов**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси девонхона мудир **Дилбар Одилова**,

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиқ ўринбосари – бош архитектор **Лазизбек Ғулонов**,

Хоразм вилояти Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Тоҳир Ибрагимов**, Янгибозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Сардор Ражабов**,

Қорақалпоғистон Республикаси “Коммуналлык ыссылык орайы” ДУК бош мухандиси **Нурғали Боксебаев**,

Навоий вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК бош директори **Ўткир Элов**,

Тошкент вилояти “Иссиқлик манбаи ИЧБ” ДУК Режа-техник бўлими бошлиғи **Сирожиiddин Зайниiddинов**,

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “City-Senter” МЧЖ БСК бош директори **Бахшўлло Шукруллаев**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Лочин-Санжар Бошқарув компания” МЧЖ БСК бош директори **Хусниддин Ибодов**,

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги “Izumrud Servis Plyus” МЧЖ БСК бош директори **Назокатхон Рустамова**, “Servis Uyutniy Dom” МЧЖ БСК бош директори **Асқарбек Солибоевларни** таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,  
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,  
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир хайъати раиси),  
Шерзод Ҳидоятлов,  
Давронжон Адилов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

### ТАҲРИРИЯТ:

|                            |                                    |
|----------------------------|------------------------------------|
| Бош муҳаррир               | <b>Дилшод<br/>Жалолов</b>          |
| Бош муҳаррир<br>ўринбосари | <b>Райҳона<br/>Ҳўжаева</b>         |
| Саҳифаловчи                | <b>Акмал<br/>Махкамов</b>          |
| Мусахҳиҳ                   | <b>Марҳамат<br/>Мусулмонкулова</b> |

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”  
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”  
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСАЛИ:**

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”  
уюшмаси, “ЎзАШКЛИТИ” ДУК,  
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,  
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,  
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна  
бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон  
Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-441.  
1688 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоиси келишилган  
нархда. ISSN 2181-8762.  
Таҳририятга келган қўлёзмалар  
тақриз қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Ҳўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни –  
Топшириди – 23.00.